

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2023-yil 19-oktabr, payshanba

№ 43 (9259)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

ЧИРЧИҚДА ЎЗБЕКISTON VA ROSSIA ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Чирчиқ кимё-индустриал технопаркида Ўзбекистон ва Россия ишбилармонларининг бизнес-форуми ўтказилди.

“Ўзимёсоаноат” акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Татаристон Республикаси бош вазирининг ўринбосари, sanoat va savdo вазири Олег Коробченко, Чирчиқ шаҳар ҳокими Даврон Ҳидояттов, Татаристон савдо-саноат палатаси уюшмаси, “Химград” АЖ бош директори ва россиялик 30 нафар тадбиркор қатнашди.

Бизнес-форум иштирокчилари технопарк ва бу ердаги саноат тармоқлари фаолияти билан танишди. Аслида бундай технопарк мамлакатимизда иккита бўлиб, бири Чирчиқда, иккинчиси Жиззахда фаолият олиб боради.

– Ўтган йилнинг 23 март кунини Татаристон Республикаси билан ҳамкорликда очилган мазкур технопаркда 10,2 миллион доллар қийматдаги 5 та корхона ишга туширилган, – дейди “Чирчиқ кимё-индустриал технопарки” дирекцияси директори Жаҳонгир Абдураҳмонов. – Йил охиригача яна 10 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. 2025 йилгача “Ўзимёсоаноат” акциядорлик жамияти томонидан ҳамкорлар билан биргаликда жами 34 та саноат тармоғини ишга тушириш мақсад қилинган. Бунинг натижасида 2 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Хусусан, “Rhodium polymer” МЧЖда Марказий Осиёдаги ягона кўпиклантирилган полипропилен ишлаб чиқарилади. Корейлик ишбилармонлар билан биргаликда ташкил этилган бу корхонада йилга 2 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 2 миллион доллар миқдордаги маҳсулот экспорт қилинади. Кўпиклантирилган полипропилен юншоқ ва ёпқ тешиқларга эга полиолефинларга асосланган полимерларнинг бир туридир. У автомобилнинг ҳимоя кўрсаткичларини яхшилаш, вазнини енгиллаштириш учун юқори самарали маҳсулот ҳисобланади. Ҳозир ундан Ўзбекистон автосаноатида бутловчи қисмларни ишлаб

чиқариш учун асосий хомашё сифатида фойдаланилади. Шунингдек, бу маҳсулот компьютер, шамоллатиш ускуналари, тиббий асбоблар учун корпуслар тайёрлаш ҳамда қурилишда ишлатилади. Заводнинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 2000 тоннани уюшмаси, “Химград” АЖ бош директори ва россиялик 30 нафар тадбиркор қатнашди.

“Чирчиқ” технопарки ҳудуди 39 гектарни, ишлаб чиқариш биноларининг умумий майдони 190 минг квадрат метрни ташкил этади. Иккинчи технопаркда тайёр ишлаб чиқариш бинолари мавжуд. Бу ерда ҳар қандай ер участкаси ва бино яқинида электр таъминоти тармоқларига уланиш нуқталари бўлган ривожланган муҳандислик инфратузилмаси барпо этилган. Ушбу ғоя Татаристон Республикасининг “Химград” технополисидан олинган. Худуд профессионал бошқарув компанияси томонидан назорат қилинади. Унинг иши “бир дарча” тамойили асосида ташкил этилган. Технопаркни яратиш бўйича ишлар “Химград” технополиси томонидан “Ўзимёсоаноат” АЖ билан ҳамкорлик доирасида ҳамда Татаристон Республикаси ҳукуматларининг бевосита кўмагида амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида хорижий инвесторлар учун тақдимотлар, соҳага тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича музокаралар олиб борилди. Россиялик тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

А.МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бегоён дала, боғ, пурвиқор тоғ-адир, ям-яшил ўрмон, фойдали қазилма, қут-баракатга кон чўлу-даштигача фойзиёб, бугун жаҳон аҳлини, жаҳонгашта сайёҳларни ўзига оҳанграбодек чорлаётган фусункор юрт қайда бор? Кузда қўлингиздан тушиб қолган чўп баҳорда куртак ёзиб, яшиллик ато қилгувчи, тоғидаги қорлар обихаётга айланиб, она замин кўксига гул, қут-баракат тақувчи, одамлари меҳнат ила тобланиб, ер юзига ризқ-насиба тортиқ этгувчи саховатли маконларнинг энг сараси она юртимиз – Ўзбекистон бўлади, десак ҳақ гапни айтган бўламыз.

БОТИРЖОН НУРИДДИНОВ,
Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят Туризм ва маданий мерос бош бошқармаси бошлиғи

Юртимиз чиндан ҳам бебаҳо, бой кўҳна тарихи, табиати, географик жойлашуви жиҳатидан ҳам бетакрордир. Айниқса, қишлоқ ҳўжалиги, унинг кўплаб соҳа ва тармоқларини ривожлантиришга қулай ҳудуд ҳисобланади. Шу боис ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида аграр соҳа ва унинг барча йўналишларида эътирофга лойиқ ишлар қилинди. Катта ютуқларга эришилди. Хусусан, пахта, ғалла, пилла

АСАЛ ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАБО!

етиштиришда дадил қадамлар қўйилди. Боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик, лимончилик, гулчилик, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик йўналишларида эришилган натижалар салмоғи ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Президентимизнинг асаричилик соҳасини янада ривожлантириш борасида қабул қилган қарор ва фармонлари ижросини таъминлаш борасида вилоятимизда ҳам тилга олса арзигулик кенг кўламли ишлар амалга оширилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар ҳаётга тadbик этилмоқда. Натижада Наманганда ўзига хос асаричилик мактаби шаклланиб, “драйвер” даражасига кўтарилди. Давлатобод туманидаги Гуллоб маҳалласи



ҳудудда “Асаричилик саноат зонаси” фаолияти йўлга қўйилди. Азалдан асаричилик билан

шўғулланиб келган тадбиркор, томорқа эгалари, фермер хўжалиқларига зарур шарт-шароит, имтиёзлар яратиб берилгани боис вилоятда асалари парвартириш, асал этиштириш ҳам саноат даражасига кўтарилди. Бу эса халқаро фестивал мақомини олган “Халқаро гуллар фестивали” қатори вилоятда “Халқаро асал фестивали”ни ҳам ташкил этиш имконини яратди. Ўтган йили Наманган шаҳридаги “Афсоналар водийси” истироҳат боғида илк мартаба “Халқаро асал фестивали” ташкил этилди. Унда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсата-

ётган асаричилар вакиллари, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Россия давлатларидан ташриф буюрган 300 нафардан зиёд тажрибали асаричилар иштирок этди.

Оқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимизда, шу ўринда вилоятимизда истеъмол бозорини экологик жиҳатдан тоза озик-овқат маҳсулоти билан тўлдиришда ўз ўрнига эга бўлган асаричилик тармоғини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда Республика асаричилар уюшмасининг Наманганда 260 нафардан зиёд аъзоси самарали фаолият кўрсатаётир. Улар 210 мингдан зиёд асалари уясидан йилга 5 минг тоннадан ортиқ шифобахш маҳсулот олиш, жаҳон андозалари талаби даражасида қадоқлаш, экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида ижобий натижаларни кўлга киритмоқда.

Халқаро фестивал соҳада инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда саноатлаштириш, халқаро тажриба алмашув платформасини яратиш, мавжуд муаммолар ечимини топишга хизмат қилмоқда. Уч кун давом этадиган фестивалга келган маҳаллий аҳоли ҳамда меҳмонлар савдо павильонларида бири-бирдан бой кўргазмалар билан танишади.

(Давовми 3-саҳифада)

ТОШКЕНТ БОТАНИКА БОҒИГА МИЛЛИЙ МАҚОМ БЕРИШ ЛОЗИМ

Тошкент Ботаника боғи Марказий Осиёдаги биринчи ташкил этилган илмий марказ бўлиб, 100 йилдан ортиқ тарихга эга илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Боғнинг илмий коллекцияларида 2 минг 450 дан ортиқ ўсимлик турлари, шунингдек, миллий Қизил китобга киритилган 40 дан ортиқ ноёб ва эндем турлари сақлаб келинмоқда.

Парламент қўйи палатасидаги Ўзбекистон Экология партияси фракцияси ҳамда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтида “Ботаника боғлари ва дендрология боғларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда депутатлар, олимлар, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги вакиллари ўсимлик дунёси фондини сақлаб қолиш, камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган турларни тадқиқ этиш, Ботаника боғининг

миллий генофондини сақлаш ва унга миллий мақом бериш каби масалалар юзасидан фикрлашди.

Экологик партия фракцияси раҳбари Хайрулло Ғафоров, партия Марказий кенгаши раиси Абдушукур Ҳамзаев, Фанлар академияси Ботаника институти директори, биология фанлари доктори, академик Комилжон Тожибоев ва бошқалар юртимиздаги ботаника боғлари ва дендрология боғларини муҳофаза қилиш, уларни сақлаб қолиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар, соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш юзасидан қатор фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди.

Қайд этилганидек, ботаника боғлари ва дендрология боғлари фаолиятини тизимли йўлга қўйиш, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан кўллаб-қувватлаш масалаларида муайян муаммолар мавжуд. Тошкент Ботаника боғини муҳофаза этиладиган ҳудудлар сирасига киритиш, бу борада унга миллий мақом бериш долзарб масалалардан. Шу боис боғнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш юзасидан қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, боғ фаолиятини такомиллаштириш, ҳудудларда уларнинг тажрибасини кўллаш бўйича таклифлар билдирилди.

МУҲТАРАМА КОМИЛОВА,
ЎЗА мухбири.



БУЗИЛГАН УЙНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ОСОН ЭМАС ЁХУД СУРХОНДАРЁДА ШОЛИЧИЛИК ШУҲРАТИ ТИКЛАНДИМИ?

Дунёдаги ҳар бир халқнинг миллий таоми бор. Ўзбек элининг шоҳ таоми эса палов. Уйингизга меҳмон келса, албатта, серсабзи, серғўшт ош дамлаш-сиз. Аввало меҳмоннинг ҳурмати, сўнгра тўйимчилиги учун. Ошпазлар пиширадиган оши ширин ва ейимли бўлиши учун майиз, беҳи, ҳар хил зирavorлар, саримсоқпиез ҳам қўшиб дамлайдилар. Аслида ошнинг тотли ва хушхўрлиги кўп жиҳатдан сара гуручга боғлиқ. Бозорларда сифатли, сара гуручларнинг нархи эса анча баян. Шу кеча-кундузда Сурхондарё бозорларида сара гуручнинг баҳоси 30 минг сўмдан паст эмас. Энг арзони ҳам 15-18 минг сўм. Бозорнинг талаби шу: нима кам бўлса, ўша маҳсулотнинг баҳоси қимматлашади. Охириги йилларда воҳа бозорларида гуручнинг нархи кескин кўтарилишига асосий сабаб, кунлик истеъмолдаги бу маҳсулот асосан олис Хоразм вилоятидан келтирилмоқда. Ҳолбуки Сурхондарё заминидан етиштириладиган гуручлар

азал-азалдан машҳур бўлган. Нимаси билан дейсизми? Пазандаларнинг ҳулосасига кўра, қозонга солсангиз сув кўтради, эзилиб кетмайди, тез пишади, Хоразмнинг гуручидай ялтироқ бўлмаса ҳам шираси бор, таъми оғзингизда қолади. Бир товоқдаги оши бемалол икки-уч кишини тўйдирди. Айниқса, вилоятнинг Музработ тумани ерларида ўстирилган “Авангард”, “Оқпар”, “Лазур”, “Узрос 7/13” навли шולי гуручлари ширадорлиги, тўйимчилиги ва қозонга тушганда ҳажми кўпайиши билан ошўрлар меҳрига тушганди. 2,8 миллион нафардан иборат вилоят аҳолисини сифатли гуруч билан таъминлаш ва бошқа жойдан бу маҳсулотни олиб келмаслик, ортиқчасини қўшни вилоят фуқароларига сотиш мақсадида то 2000 йилгача Музработ туманининг “Искра”, “Правда”, “Шоликор” ширкат хўжалиқларининг Амударёга тутатиб кетадиган 15 минг гектардан ортиқ ерларида фақат шולי ўстирилган.

(Давовми 2-саҳифада)

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ

ИШТИХОНДА МАРМАР ТОШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

“Samarkand Stone Trade Corporation” МЧЖ томонидан Иштихон туманида ишлаб чиқариш майдони 3,5 минг метр квадрат бўлган бинода табиий тоғ тошини қайта ишлаб, мармар тош ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилди.



Мазкур лойиҳани амалга ошириш доирасида 4,5 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилиб, 50 та янги иш ўрни ташкил этилди ҳамда 10 минг метр куб мармар тош ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Ушбу лой-

иҳанинг ишга тушиши натижасида йилга 12 млрд. сўмлик мармар маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилган.

Корхона бугунги кунда Россия, Қозоғистон давлатларида мармар маҳсулотларини экспорт қилиб

келмоқда. Бунда корхонада фидокорона меҳнат қилаётган илгор ва ташаббускор ишчи-хизматчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

ҚИЁМЖОН ЗИЁТОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



БУЗИЛГАН УЙНИ ҚАЙТА ҚУРИШ ОСОН ЭМАС ЁХУД СУРХОНДАРЁДА ШОЛИЧИЛИК ШУҚРАТИ ТИКЛАНДИМИ?

(Боши 1-саҳифада)
Тажрибали ва омилкор деҳқонлар шולי чекларининг ҳар гектаридан 80 центнергача хирмон кўтаришганини ҳамон кексалар эслашади. Шоличилик маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиққан Жовмир Муҳаммадиев, Қурбаноӣ Қорахонова, Дўстмурод Қувонов, Утан Олтиев, Шопўлат Худойбердиев, Қурбон Амиркулов, Парда Худоев сингари ўнлаб уста деҳқонларни элга танитди, кўксига ордену медаллар тақди, депутат қилди. Шундай миришкор деҳқонларнинг заҳматли меҳнати эвазига ўшанда ҳар мавсум Музработ туманида 50 минг тоннагача шולי етиштирилди. Музработ туманининг собиқ “Искра”, “Правда”, “Шоликор” ширкат хўжаликлари далаларига пахта яккаҳокимлиги даврларида ва ҳозиргача ҳам айнан шולי етиштирилиши сабабини умрининг 50 йилини шоличилик ривожига бағишлаган нуроний деҳқон Хўжақул Олтиев шундай изоҳлайди: Бу ерлар Амударёга яқин, захи кўп. Деҳқонлар айрим йиллар ғўза ҳам, ғалла ҳам ўстиришган, лекин юқори ҳосил олинмаган. Изма-из ишлов бериб, бот-бот ўғит солинганда ҳам ғўза нари борса 4-5 та кўсак туккан, бўйи ўсмай, ранги сарғайиб ётаверган, бўғдой ҳам бўлиқ бўлмай, бошоқлари донга тўлмаган. Чунки ғўза ҳам, бўғдой ҳам иссиқсавар, унумдор ерларда ахши ривожланади. Бу жойлар эса айнан шוליга мос, шולי сусеавар, намликда серҳосил бўлади. Бу тажриба олимлар томонидан исботлангани учун Музработ туманининг юқорида номлари зикр этилган айнан шу уч хўжалиги далаларида фақат шולי ўстирилган ва юқори ҳосилдорликка эришилган. Айтиш керакки, 2004-2006 йилларда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар натижасида шоличиликка ихтисослашган учта хўжалик ҳам тугатилиб, ерлари, мол-мулклари замирида фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Баъзиларнинг назарида шולי етиштириш осон, ташвишлари пахтаники ёки бошқа зироатникидек машаққатли эмас. Аслида-чи, шולי етиштириш серташвиш, сифатли уруғлик топиш муаммо, ўғитнинг бир қоли фалон пул. Ўтоқчию сувчиға, ўрим даврида комбайнчию техника ҳайдовчиларига иш ҳақию озик-овқатига миллион-миллион сўм харажат қилиш керак. Ер текислаш, чек очиш, сара уруғлик ва ўғит харид қилишга ўша пайтда энди театапоя бўлаётган, яна денг, тузукроқ техникаси ҳам йўқ фермер хўжаликларининг қурби етмасди. Боз устига шולי етиштириладиган майдонларнинг катта қисми Амударё билан Афғонистон ўртасидаги чегара зонанинг ичкарисида жойлашгани тўғрисида шולי етиштириш осон, ташвишлари пахтаники ёки бошқа зироатникидек машаққатли эмас. Аслида-чи, шולי етиштириш серташвиш, сифатли уруғлик топиш муаммо, ўғитнинг бир қоли фалон пул. Ўтоқчию сувчиға, ўрим даврида комбайнчию техника ҳайдовчиларига иш ҳақию озик-овқатига миллион-миллион сўм харажат қилиш керак. Ер текислаш, чек очиш, сара уруғлик ва ўғит харид қилишга ўша пайтда энди театапоя бўлаётган, яна денг, тузукроқ техникаси ҳам йўқ фермер хўжаликларининг қурби етмасди. Боз устига шולי етиштириладиган майдонларнинг катта қисми Амударё билан Афғонистон ўртасидаги чегара зонанинг ичкарисида жойлашгани тўғрисида шולי етиштириш осон, ташвишлари пахтаники ёки бошқа зироатникидек машаққатли эмас. Аслида-чи, шולי етиштириш серташвиш, сифатли уруғлик топиш муаммо, ўғитнинг бир қоли фалон пул. Ўтоқчию сувчиға, ўрим даврида комбайнчию техника ҳайдовчиларига иш ҳақию озик-овқатига миллион-миллион сўм харажат қилиш керак.



ичкарисига кириб-чиқиш рухсатномаси расмиёлаштирилган тақдирда ҳам ёлланма ишчилар киритилмасди. Натижада чегара зонанинг ичкарисида ширкат хўжаликлари аъзолари шולי етиштирган минг-минглаб гектар ерларга чорак аср мобайнида на техника киритилди, на шоликор ишлади. Экин экилмаглиги оқибатида ерлар фойдаланишдан чиқди, ҳосилдор майдонларни қамши ва бошқа бегона ўтлар босиб кетди. Айрим далаларда қамишнинг бўйи икки метрдан ошганини ҳозир ўша жойларда шולי етиштираётган деҳқонлардан эшитдик.
Тўғри, уттан чорак аср мобайнида сифатли уруғлик топиш, ўғит харид қилиш, ёлланма ишчиларга иш ҳақи ажратиш ва овқатлантириш каби харажатларга имкони бор оилалар ҳамда иқтисодий жиҳатдан барқарор фермер хўжаликлари чегара қўшинлари қўмондонлиги билан етиштириладиган ҳосилни тенг бўлиш шартида шартнома тузиб, қисман чегара зонанинг ичкарисига асосан чегаранинг ташкарисидан 800-900 гектар ерда шולי ўстириб келишди. Аммо жуда юқори ҳосил олгани йўқ. Улар томонидан етиштирилган шולי 2,8 миллион аҳоли яшайдиган Сурхондарё вилояти учун урвоқ ҳам бўлмасди. Гарчанд шולי етиштиришга мос замини бўлса ҳам катта вилоятнинг эли Хоразмдан гуруч келишини қутиб яшадилар. Воҳа бозорларида эса юқорида айтганимиздек гуручнинг нархи осмонга чиқиб кетди. Ниҳоят, бу йил Сурхондарёда шоличиликни ривожлантириш ва аввалги шухратини тиклаш йўлида кенг кўламли ислохотларга қўл урилди. Урни келганда айтиш керакки, бу эзгу ишнинг ташаббускори вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов, десак хато бўлмайди. Чунки Улуғбек Бердиқобилович вилоятга биринчи раҳбар бўлишдан илгарироқ бир ярим йилча Музработ тумани ҳокими бўлиб ишлаган, шоличиликка ихтисослашган собиқ учта ширкат хўжаликларининг давлат чегара зонасининг ичкарисидан бепоён майдонларида қачонлардир шולי ўстирилганидан ва эндиликда қамишзорга айланган майдонлардан тўлиқ хабардор. Ушбу далаларда шולי етиштириб, иш излаб юрган фуқароларни банд этиш ва уларни даромадли қилиш, халқни асосий истеъмол маҳсулотларидан бири бўлган сифатли гуруч билан таъминлаш учун қамишзорга айланган заминни қайта фойдаланишга киритишга қанча маблағ талаб этилиши ҳисоб-китобини чиқарган ҳамда фақат иқтисодий жиҳатдан бақувват инвесторни жалб қилиш эвазига муаммони ҳал қилиш мумкинлигини мўлжаллаган бўлса не ажаб?
Шу йил бошида “SCT SHoli Kluster” МЧЖ ишбилармонлари Музработ туманига келиб, шароит ва ҳолатни обдон ўрганди, сўнгра шולי етиштириш учун замин ҳозирлашга киришдилар. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 15 мартдаги “Сурхондарё вилоятда замонавий агрокластер ташкил қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга асосан вилоят ҳокимилиги фермойишига қўра, Музработ туманидаги шולי етиштириш мумкин бўлган ерлар “SCT SHoli Kluster” МЧЖ тасарруфига берилди. Кластер тадбиркорлари Музработ туманидаги қамиш, ғўмай босиб ётган далаларни қайта фойдаланишга киритиш чораларини ишладилар. Тайёрланган “йўл харитаси”га асосан 2025 йил охиригача 20,1 минг гектар ер қайта фойдаланишга киритилади ва асосан шולי етиштирилади. Кластер мутахассислари тақдир этган маъмулотларга қўра, ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 819 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. Жорий йилнинг апрель ойидан кластерга қарашли юзлаб турли русумдаги техникалар сафарбар қилиниб, гўё тўқайзорга айланган ерларни қамиш ва бошқа бегона ўтлардан тазалаш, ер текислаш, йиллар давомидан лойқа ва қамишга тўлиб қолган ирригация ва мелиорация тармоқларини таъмирлаш-тиклаш, реконструкция қилиш, янгидан канал ҳамда шохариқлар қазиб, Амударёдан сув тортиб чиқарилган “Жайхун” насос станциясини тиклаш, зовур сувларини далага оқишига хизмат қиладиган “МК-9” насос станциясини таъмирлаш ҳамда далаларни шולי экишга тайёрлаш юмушлари тизимли равишда ташкил қилинди. 8 минг гектар заминни зироат ўстирадиган ҳолатга келтирунларича июнь ойи ҳам кириб келди. Кеч бўлса ҳам 4,5 минг гектар майдонда чеклар очилиб, шолнинг “Лазур”, “Авангард”, “Гулистон”, “Нукус” навла-



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МУРОЖААТЛАР ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

Аҳолининг муаммоларини бартараф қилиш ва уларнинг дарду-ташвишлари билан яшаш ҳар бир давлат идораси раҳбарининг асосий вазифасидир.

Мурожаатларни таҳлил қиладиган бўлсак, жорий йилнинг 9 ойи давомида виртуал ва Халқ қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслар томонидан 9915 та масала мурожаатлар келиб тушган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5 тага кўпайган. Ҳозирги кунга қадар келиб тушган мурожаатларнинг 91 фоизининг ижроси ташкилотлар томонидан қўриб чиқилган. Мазкур мурожаатлар урганилганида, уларнинг 35,8 фоизини ижобий ҳал этиш, 34,4 фоизи бўйича ҳуқуқий маълумотлар бериш, 23,7 фоизи бўйича тушунтириш бериш, 34,7 та мурожаатни қўриб чиқишни тугатиш, 76 тасини ҳал этиш маблағ ва муддат талаб этганлиги учун узок муддатли назоратга олиш, 61 та мурожаатни қўриб чиқишни рад этиш, 32 та мурожаатни маълумот учун қабул қилиш, 23 тасини қўрсатмасдан қолдириш маъқул қўрилди. Ҳозирги кунда 906 та мурожаат қўриб чиқиш жараёнида. Мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқда-

ки, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан суриштирув ва тергов ҳаракатларидан норозиликга оид мурожаатлар 198 тага, “Ёшлар дафтари” дастурига оид мурожаатлар 165 тага, газ баллонни суюлтирилган газ билан тўлдиришдаги муаммолар юзасидан мурожаатлар 103 тага, оилавий низолаб бўйича мурожаатлар 57 тага ортган. Шунингдек, 18 ёшгача бўлган болалар нафақасини олиш масаласидаги мурожаатлар 240 тага, уй-жой билан таъминлаш борасидаги мурожаатлар 130 тага, фирибгарлик тўғрисида хабар мазмунидан мурожаатлар 228 тага камайган. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан бу йил мурожаатлар 1067 тага ёки 18,3 фоизга камайган. Қаноатлантириш даражаси ўтган йилга нисбатан 25,2 фоизга ошган. Шунингдек, жорий йилнинг 9 ойи давомида 163 мартаба оммавий сайёр қабуллар ўтказиб режалаштирилган бўлиб, амалда 159 мартаба ўтказилди. Бу албатта, 10 мингга яқин фуқаронинг идоралар эши-



гида сарсон бўлишининг олди олинганини, Президентимиз таъбирлари билан айтганда, давлат идоралари раҳбарлари паства тушиб, аҳолининг дардини тинглаш учун улар яшайдиган ҳудудларга кириб, муаммоларини юзма-юз ҳал қилиш,

одамларнинг розилигини олганлигини ифода қилади.

Шерзод ДАВЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президентининг Чуст туманидаги
Халқ қабулхонаси мудури.

ҳар гектар майдондан 40 центнердан шולי топирилса бас, ортиқчаси деҳқонларнинг ўзига берилади.

Ўриб-йиғиб олинаётган шולי таркибида намлик юқори, қуритилмас, сифатиға таъсир қилади, шולי моғорлаб қолади. Деҳқонлар шוליни омборларга киритишдан олдин собиқ ширкат хўжалиklarининг асфальтланган ва бетонлаштирилган йирик-йирик хирмонларида яйратиб қуритишмоқда. “Туяр ошни кўз танийди”, деганларидек, энди 1100 гектар майдондаги ҳосил йиғиштириб олинган бўлсада, неча вақтдан бери бўш ётган хирмонлар ҳозир шוליға тўлиб кетди. Ўрим ўтказилган далалардан шולי похоллари махсус техникалар ёрдамида пешма-пеш тойланиб, бир қисми шартномага асосан чегара қўшинлари чорва комплексига жўнатилмоқда, ярми ишчиларга текин тарқатилади, ортгани махсус техникалар билан майдонлашиб, ерга ўғит сифатида сочилади. Келгуси йил шולי похоллари ташкилотга қўшимча даромад келтиради. Термиз шаҳридаги “Сурхонсаноат” корхонасининг Музработ туманида фаолият кўрсатаётган филиалида қамишдан ДСП ишлаб чиқарилади. Келгусида шу корхона ишбилармонлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, шולי похоллардан ҳам қурилишбоп материаллар тайёрланади.

Айни дамларда шолзорларда ўримни тезлаштириш билан бир қаторда ер ўзлаштириш, қамиш, ғўмайни таг-туғи билан йўқотиш, кузги бўғдой экиш ишлари жадаллаштирилади. Бундан ташқари, шолзорларни сув билан таъминлайдиган бир неча насос станцияларини давлат-хусусий шерикчиликда ишлатиш учун инвестиция киритиш ва уларни таъмирлаш жараёни ҳам давом эттирилади.

– Биласизми, шолнинг асосий кушандаларидан бири бу бегона ўтлар. Айниқса, қамиш ва ғўмай шолни сиқиб қўяди, озуксига шерик, – дейди МЧЖ ижрочи директори Абдулла Турсунов. – Шунинг учун шолиси ўриб олинган далаларга бошоқли дон экинлари экялимиз. Мақсад, бегона ўтларни камайтириш. Май оши охирига бориб бўғдой йиғиб олинган, изига бу йилгидек кечроқ бўлса ҳам шולי ўстирилади.



Кластер ташкилоти мутахассислари фикриға қараганда, айрим далалардан ўртача 45 центнердан, унумдор ерлардан 70 центнердан “қирмизи дон” саранжомланапти. Шолзорлардаги ҳосилни чамалаб қўра тадбиркорлар жами 18 минг тонна ҳосил олишни мўлжаллашмоқда. Қайта ишлаш натижасида 9 минг тонна гуруч ишлаб чиқарилади. Дастлабки йил учун бу катта ютук. МЧЖ ишбилармонлари шолни қайта ишлаш ниятида тумандаги шולי оқлаш корхонасини бу йилча ижарага олиб фойдаланишни режалаштиришди. Анчадан бери ишламай турган ушбу корхонани МЧЖ таркибига олмоқчи эдилар, аммо мулкдор билан нарх масаласида келиша олмадилар. Келгуси йил ва ундан кейинги йилларда шолзорлар кенгайтирилишини инобатга олиб, бўш турган “Музработ дон” корхонаси ҳужжатлари билан сотиб олинди. Бу жой реконструкция қилиниб, Туркия давлатидан 50 минг тонна шולי оқлайдиган технология олиб келиб ўрнатилади. Ишбилармон кишиларнинг айтишича, дунёда анча машҳур “Yashar Makins” компаниясида тайёрланган замонавий технология шолни сифатли оқлайди, гуруч синикирга деярли бўлмайди ҳамда энергия тежамкор.

– Музработ туманидан кластеримизга ажратилган ва фойдаланишдан чиқиб кетган 20,1 минг гектар ерни 2025 йилгача ўзлаштириб, тўлиқ шолзорга айлантираимиз, – дейди МЧЖ ижрочи директори Абдулла Турсунов суҳбатини давом эттириб. – Натижада йилга 70 минг тоннагача шולי етиштиришга эришилади. Шולי етиштириш ва уни қайта ишлаш жараёнида 2 минг нафар киши доимий ишли бўлади. Мўҳими, гуручнинг нархини кескин пасайтириш чоралари қўрилади.

Усмонали НОРМАТОВ

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН БОШЛАНГАН ПойДЕВОР ОХИРИГА ЕТМАДИ

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер майдонларини қайтариш ва ноқонуний қурилишларнинг бузилишига айрим фуқароларнинг бу борада ҳуқуқий билим даражаси етарли эмаслиги ёки биор бир қурилиш қилиш ёки ерни сотиб олиб, унинг ҳужжатларини расмиёлаштириш ҳақидаги ҳуқуқий билимга эга эмаслиги сабаб бўлмоқда.

Мажбурий ижро бюронинг Жиззах шаҳар бўлими иш юритишда Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманларо судининг 19.08.2022 йилдаги иқро варақасига асосан фуқаро Х. Қамбаров томонидан Жиззах шаҳридаги ноқонуний пойдеворни жавобгар ҳисобидан буздириш белгиланган.

Давлат ижрочилари томонидан қарздорга ижро иши қўзғатилиб, нусхалари томонларга юборилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор ноқонуний қурилган бино жавобгар ҳисобидан буздирилиши юза-

сидан оғоҳлантирилган. Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида мажкур пойдевор ҳолислар иштирокида бузиб ташланди.

Агар тегишли ташкилотларнинг ҳулосаларига асосан, ҳужжатларни расмиёлаштириш қурилганида, Х. Қамбаровга ортиқча ҳаракат бўлмаган ва меҳнат қилиб қурган пойдевор бузилмаган бўлар эди.

Ғафур МАМАТҚУЛОВ,
Мажбурий ижро бюроси
Жиззах вилояти
бошқармаси катта
инспектори.

“Имконияти чекланган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга асал улашамиз” акцияси ўтказилиб, унда 2 тоннадан ортиқ асални бепул тарқатиш кўзда тутилган

АСАЛ ФЕСТИВАЛИГА МАРҲАБО!

(Боши 1-саҳифада)

Минг дардга даво асалнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фойдали маълумотларга эга бўлади. Бежирим идишларга қадокланган турфа хил шифобахш ва сифатли болнинг харидорига айланади. Шунингдек, соҳани ривожлантириш, бу борада жаҳон тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида Қурғоқ ҳудудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ICARDA) вакиллари иштирокида маҳаллий ва хорижий асаларчилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар учун илмий-амалий семинар тренинги ҳам ташкил этилади. Улар тажриба алмашиш билан бир қаторда ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоб олади. Яна шуни ҳам қўшимча қилишимиз кераки, фестивал давомида асаларчиликда халқаро тажриба алмашув платформасини яратиш, инновацион технологияларни жорий этган ҳолда сановатлаштириш ҳамда дунёда асал-



аричилик ривожланган Россия, Қозоғистон ва Украина каби “Топ 10” қаторидан жой олиш борасида изчил саъй-ҳаракатлар давом эттирилади. “B2B” форматидagi музокараларга кенг ўрин берилди. Халқимизнинг саховатпеша-

лик ва меҳр-мурувват каби фазилатларининг амалдаги ифодаси сифатида “Имконияти чекланган фуқаролар, кам таъминланган оилалар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга асал улашамиз” акцияси ўтказилиб,

унда 2 тоннадан ортиқ асални бепул тарқатиш кўзда тутилган. Фестивалнинг тантанали тақдирлаш маросими ҳам байрамона тус олади. Танқили санъаткорлар иштирокида галаконцертлар намойиш этилади. Иштирокчилар

II ХАЛҚАРО АСАЛ ФЕСТИВАЛИ

Жорий йилнинг 27-29 октябрь кунлари Наманган шаҳридаги Афсоналар селатик боғида II Халқаро асал фестивали бўлиб ўтади. Асаларчилик соҳасида фаолият олиб бораётган барча тадбиркорларни, юртдошларимизни ушбу ўзига хос анжуманга таклиф этамиз. Ташкилий қўмита.

мутахассислар томонидан етти йўналиш – “Энг яхши жиҳозланган кўргазма”, “Энг сифатли асал”, “Энг ёш асал етиштирувчи”, “Энг кўп асал экспорт қилган экспортёр”, “Асал етиштирувчи энг яхши аёл” номинациялари бўйича баҳоланади. Ғолиблар вилоят ҳокимлиги, вилоят Туризм ва маданий мерос бош қармаси томонидан таъсис этилган совринлар билан тақдирланади.

SAMARQAND SHAHRIDA SHAHARSOZLIK HUJJATLARI TO‘LIQ RASMIYLASHTIRILMAGAN QURILISHLAR O‘RGANILMOQDA

Samarqand viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi ishchi guruhi tomonidan hududlarda olib borilayotgan qurilish ishlarining qonuniyligini o‘rganish bo‘yicha monitoring ishlari davom etmoqda.



Navbatdagi monitoring davomida ham Samarqand shahrida shaharsozlik hujjatlari to‘liq rasmiylashtirilmagan qator qurilishlar aniqlandi. Jumladan, Samarqand shahar Farhod ko‘chasi 2-manzilda fuqaro I.Hasanov tomonidan qurilayotgan bino, Gagarin ko‘chasi 36-manzilda «STROY DOM SIYOB» MChJ tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar-joy binosi, Spitamenshoh ko‘chasi 264-manzilda «PRESTIGE LIGHT HOUSE» MChJ tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar joy binosi, Bog‘dod ko‘chasi 26-manzilda «SAMARQAND OXYGEN SERVICE» MChJ tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar-joy binosi, Spitamenshoh ko‘chasi hududida fuqaro O‘.Abdullayev tomonidan qurilayotgan mehmonxona binosi, Samarqand shahar M-37 magistral avtomobil yo‘li yoqasida «TOLIB BOBO

AKT» MChJ tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar-joy binosi, ushbu yo‘l yoqasida «Matlubov Bo‘lding» MChJ tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar-joy binosi, Qorasuv massivida «Sam Texno Stroy Invest», «Binokor-C» MChJlar tomonidan qurilayotgan ko‘p qavatli turar-joy binolari ham shular jumlasidandir. Yuqoridagi qonun buzilish holatlari yuzasidan inspeksiya mutaxassislari tomonidan fuqaro va tadbirkorlarga tegishli ko‘rsatmalar berilib, shaharsozlik hujjatlarini to‘liq rasmiylashtirish va inspeksiyadan ro‘yxatdan o‘tish tushuntirildi va inspeksiya ro‘yxatidan o‘tgunga qadar ob‘yektlarda qurilish-montaj ishlarini to‘xtatish bo‘yicha yozma ko‘rsatmalar berildi.

Bu kabi monitoring ishlari viloyatimizning barcha hududlarida muntazam o‘tkazib kelinmoqda.

Umar MIRZAYEV,
Samarqand viloyati Qurilish va uy-joy kommunal xo‘jaligi sohasida hududiy nazorat qilish inspeksiyasi boshlig‘i v.b.



МАШИНА КЎП ВА ХЎП ТЕРАДИ

Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида етиштирилган пахта ҳосили илгаридан машиналар ёрдамида териб олинади. Бу йилги терим мавсумига тажрибали муҳандис Орифжон Норкулов бошчилигидаги “Дўстлик Агросервис МТП” МЧЖнинг 44 та пахта териш машинаси жалб қилинган. Улар туман фермерларининг далаларда юқори унум билан ишлатилмоқда.

Зафар Жўраев энг илгор, моҳир механик – ҳайдовчи. У ҳар йили ўзининг “Кейс-2022” русумли икки қаторли машинасида 400 тоннадан ошириб пахта теради. Бу рақамнинг мазкур мавсумда кескин ошишига ҳеч шубҳа йўқ. Чунки унинг терган пахтаси ҳозирда 460 тоннага етиб, бир кунлик ўртача терим миқдори 25 тоннани ташкил этмоқда. Бир кунда

25 тонна пахта дегани, 50 кило ҳисобидан 500 нафар теримчининг кундалик кўрсаткичи дегани.

Ганишер Суёнов деган уста механизатор 440 тонналик хирмонни уюмлади. Бахтиёр Отабоев ва Абдумавлон Отақулловлар 400-420 тонналик кўрсаткич билан Зафар ва Ганишерга етай деб қолишди. Етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини ма-

шиналар билан териб олган “Барака”, “Бехзодбек-11”, “Мулласулаймон”, “Эгамберди ота” каби кўплаб фермер хўжаликлари пахта топшириш режаларини аллақачон удалаб қўйишган. Маълумки, машинага таянган хўжалиқларда далалар пахта ҳосилидан эрта бўшайди. Кузги шудгор оби-тобиди ўтказилади.

– Етиштирилган ҳосилнинг 80 фоиздан ортигини машиналар ёрдамида териб оламиз, – дейди Орифжон Норкулов ишонч билан.

Кўриб турибмиз, унга ишонса бўлади. Объектни молиялаштириш манбаси: Ҳомийлик, хайрия маблағлари ҳисобидан.

Эълон

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси бош пудратчилигидаги куйидаги объектларга ёрдамчи пудратчиларни аниқлаш учун ўтказилаётган танловларда иштирок этишга таклиф этамиз:

1. Объект номи: “Хива шаҳрида жойлашган “Дишон қалъа” деворида консервация реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш”
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – 1 185 000 000 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 180 кун.
Объектни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

2. Объект номи: “Самарқанд шаҳрида жойлашган “Афросиёб музейи” маданий мерос объектлари реставрация, таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – 110 000 000 сўм.
Ишларни тугаллаш муддати – 45 кун.
Объектни молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари ҳисобидан.

3. Объект номи: “Tashkent City” халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудидаги “Эшонзодалар сағанаси” қабрларида лойиҳалаштириш, реконструкция ва қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш”
Объектнинг бошланғич нархи, ҚҚС билан – 1 805 000 000 сўм.
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига кўра, 2023 йил 1 декабрга қадар реконструкция қилиш ва қурилиш-монтаж ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда олиб боришга рухсат берилганлигини

инобатга олиб, объектнинг бошланғич нархи лойиҳачининг тахминий ҳисобига кўра аниқланган, шунинг учун танлаш натижаларига кўра аниқланган ёрдамчи пудратчининг таклифидига нархи лойиҳа-смета ҳужжатларига олинган экспертиза хулосаларига кўра аниқлик киртилади.

Ишларни тугаллаш муддати – 2023 йил 1 декабрь. Объектни молиялаштириш манбаси: Ҳомийлик, хайрия маблағлари ҳисобидан.

Бош пудратчи: “Маданий мерос объектлари реставрацияси дирекцияси” давлат муассасаси. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Т.Шевченко кўчаси, 1-уй.

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари (шунингдек, икки ёки ундан ортиқ пудрат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди, танлаш ахборот жадвали (ТАЖ)га қаранг.

Танловда иштирок этиши учун куйидаги талаблар қўйилади: муомала лаёқати ваколатлари ва шартнома тузиш ваколати борлиги; доимий ходимлари, жумладан, муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан, ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши; ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффицентдан кам бўлмаган); тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффицентдан кам бўлмаган); танлаш объектга ухшаш объектларда ишлаганлик

тажрибаси мавжудлиги; бажарилган ишлар, шу жумладан, ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

тузилган пудрат шартномаларига мувофиқ, қурилишнинг буюртмачиси ва фойдаланиш ташкилотларининг хулосалари билан тасдиқланган шаҳарсозлик, санитария нормалари ва қондалари, белгиланган муддатларга риоя қилиш ва бажарилган таъмирлаш ишларининг сифатли бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар; устас фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги иштирокчиларга танлаш жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулк мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

Танлов таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар иштирокчилар учун йўриқномада акс эттирилган. Танлов иштирокчилари танишиб чиқиши ва танлаш таклифини тузиш мақсадида, танлаш предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳанинг график қисми (чизмаларини) тақдим этилиши ҳақида танлов ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлов ташкилотчисига объектнинг

лойиҳа ҳужжатларини, шунингдек, унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианты) ни иштирокчиларга уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Иштирокчилар таклифлари ташкилотчи томонидан юқоридаги манзилда, иш кунлари, соат 9-00 дан 18-00 гача қабул қилинади.

Танлов ташкилотчиси – “STROY KONSALTING SERVIS” МЧЖга офёрталарни тақдим этишнинг охириги муддати офёрталарни очиб кун ва вақтигача бўлиб, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 16 “А” уй манзилдаги офисда қабул қилинади. Мўлжал: “Агросаноатлоиҳа” МЧЖ маъмурий биносининг 504-хонаси, тел: (+998)98 338-83-05).

Танлов бўйича харид қилиш ҳужжатлари танлов ташкилотчисидан олинганда талабгор томонидан белгиланган тартибда, танлов бўйича харид қилиш ҳужжатларини олиш бўйича буюртманомга танлов ташкилотчисига топширилган ва тўлов қилинган кундан 2 кун ичида электрон кўринишда берилди.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг битта тўплами нархи – 1 500 000 сўм.

Таклифларни топшириш иштирокчининг танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан, лойиҳани тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни очиб эълон газетдада чоп этилган кундан бошлаб, камида беш иш кунидан сўнг ўқазилади.

"Мен даволаган беморлар сони қирқ минг бўлган-ов... ҳар бири омон бўлсин!"

ЎЗИМИЗНИНГ ДЎХТИР

Эссе

Операция ниҳоясига етди. Эшик очилиб, балан бўйли, сочлари хиёл тўзган, қотма дўхтир ташқарига чиқди ва хонаси томон йўналди. Беморнинг яқинларидан бири ийманибгина унга яқинлашди.

– Отам яхшими, дўхтир?

– Яхши, Худо хоҳласа бир ҳафтада оёққа туриб кетади.

Жавобни эшитиб ўғилнинг рангига қон югурди.

Муқим ака уйга шошарди. У хурсанд эди. Яна бир инсонни оғир дарддан халос этди. Дарвоқе, яна йигирма дақиқадан сўнг "Насаф" жомаси майдонга тушади, ўзиям зўр ўйинлар бўлаётти-да...

– Дўхтир ака, мана буни олиб қўйинг, сизга атаган эдик...

– Бу нима ука?

Йигит уялиб ерга қаради. Муқим ака кулимсиради.

– Ука, бугун тўртта операция қилдим, рости, чарчадим. Яхшими, мени йўлдан қўйиша, пулни эса отанга сарфла, санаторийга олиб бор...

Йигит унинг ортидан ажабланиб қараб қолди.

"Ғалати одам экан, шунча ишни қилиб... бошқа биров бўлганда..."

– Оилада ёлғиз ўғилман. Ота-онам меҳнат-кеш, хокисор одамлар эди, дейди Муқим ака.

– Уларнинг ишонган тоғиям-боғиям мен эдим. Отам мени эркаламади, ишга ўргатди. Болалигим далада ўтди. Пахта тердим, галла ўрдим, ер чопдим. Онам Менгиш момо меҳр-оқибатли аёл эди, қишлоқдошларимни, табиати ардоқлашни, севишни шууримга сингирди. Аинқиса, Меҳкам момом мени еру қўққа ишонмас, доим ёнида олиб юрди. Момом кушноч-табиб эди. Қашқадарё қирғоқларидан, Қоратепа адирларидан ўт-ўлан териб, дори

тайёрларди. Хонасидан гиёҳ ҳиди анқиб турарди. Уйимиздан одам аримасди. Момомдаги зукколик, ширин сўзликлик, қўлларининг сеҳри менда шифокор бўлишга ҳавас уйғотган бўлса, ажаб эмас. Олти ёшимдан мактабга қатнай бошладим. Илк имлони раҳматли муаллим Саъдулла Раҳимовдан ўргандим. Мактабни тугатиб, "дўхтир бўламан" дея Тошкентга отландим. У йилларда ўқишга кириш осон бўлмаган. Шу боис тайёрлов гуруҳида ҳозирлик кўрдик. Тенгдошларим Абдимурод, Хушвақт, Жуманазар билан тиббиёт олийгоҳига кириб, талаба бўлдик.

Дарвоқе, Муқимжоннинг дўсти Жуманазар Бекназаров бугун машҳур жарроҳ, тиббиёт фанлари доктори. Ҳатто улуг аллома ва ҳаким Ибн Сино ҳақида роман ҳам ёзиб, нашр эттирган.

Талабаликнинг серзавқ, серташвиш кунлари ўтаверди. У назарий билим олиш билан бирга, амалиётда билимдон устозлари Б. Охунжонов, В. Дельятов, Р. Мелькумов, И. Кимдан жарроҳликнинг сир-синоатини кунт билан ўрганди. Қўп ўтмай қишлоқда бригадир ўроқ Қаримов тўй қилиб, ўғлини уйлади. Орандан қирқ кун ўтгач, келин-куёв яна пойтахтга жўнаб кетишди.

– Аёлингиз Икрома опа ҳам шифокор экан-да?

– Ҳа, ўзи танлади, тиббиёт билимгоҳида таҳсил олди. Ўқишни тугатиб, тўғри Қамашига қайтди ва шифохонага ишга жойлашди. Умр дегани беизн ўтавераркан. Адоғи йўқ ташвишлар инсон билан ёнма-ён юраркан. Уй қуриш, тўй қилиш, рўзгор тебратиш, иш... ана-мана дегунча уч ўғил, уч нафар қизли бўлди. Бугун эса йигирмадан ортиқ набира-чевараларнинг бобоси-момосимиз. Яратганга шукр, ҳаммаси



яхши, – дейди Муқим ака ёнидаги набирасини эркалар экан.

– **Кексаларимиз "Касб – қўлингдаги олтин, ҳазина", дейишади. Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?**

– Бу касбни қандай эгаллашингизга боғлиқ. Ахир, шифокор айниқса, жарроҳ инсон тақдирини ҳал қилади. Озгина кўзингиз толиқдими ё кўлингиз қалтирадими ёхуд шуурингизга шарпа ораладими, билингки, иш чатақ. Беморнинг жони қил устида. Илм, амалиёт, шифокордаги журъат бирлаша, бу – ҳаёт! Шунинг учун шифокор ўз устида кўпроқ ишлаши, жаҳон тиббиёти янгиликларидан хабардор бўлиб бориши шарт.

– **Умрингизнинг эллик йиллиги тиббиётга бағишласиз. Ортага қараганда, хаёлингизга нималар келар?**

– Юртдошларимни кўраман. Шулар ичида ўзимни ҳам... вилоятимизнинг қайси тўшасига

тўйгами ёки бошқа бир сабаб билан борсам, "Дўхтир бобо, бизникидан бир пиёла чой ичинг", каби лутфларни эшитаман. Чин юракдан айtilган сўз кўнглини тоғдек юксалтиради. Ўшанда ўзимдан кўнглим тўлади. Мен даволаган беморлар сони қирқ минг бўлган-ов... ҳар бири омон бўлсин!

Муқим ўроқов ишлаётган жарроҳлик бўлимига Қаршию, Тошкентдан ҳамкасблари тез-тез келиб, тажриба алмашиб кетишади. Наботкор қўллари сабаб элнинг эркаси бўлди. Кимдир айтди: "Шу Муқим ўроқовнинг салобати зўр, одам яқинлашишга ҳайиқади". Бошқа биров эса тескари сўзлади: "Эй, қўйсангчи, Муқим акаки, ўзимизнинг дўхтир, манманлик, кибру ҳаводан йироқ киши, бир гуриглашсанг, ошно бўлиб кетасан". Эшқувват бобо Шукуров эса исботли фикр айтди: Муқимни болалиқдан биламан, кўнгли тоза йигит, айниқса, эҳтиёжмандларга қўлдан келгунча кўмак беради, ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Йўлда эса Муқим аканинг синфдоши Эштемир бобо Тошмуродов билан суҳбат қурдим.

– **Агар Муқимдан бошқа бўлганда, шахарнинг тўрт бурчагидан тўртта қаср курган бўларди. Аслида отаси ўроқ бобо ҳам гурурли, мол-дунёни назарга илмаган одам эди, ўғил отадан ўзиб қаёққа борсин?..**

Ким билан суҳбатда бўлманг, Муқим ўроқов ҳақида фақат илиқ сўзлайди. Туман молия бўлими ходими, шоир Шухрат Рустамов эса у кишига атаб шеър ҳам ёзган.

– *Ўғлим эшит, – деди бир кун отам, Меҳмонча чорладим Муқим ўроқни. Олпоқ қор ёққанда бораман деди, Олпоққа тўлдириб келар ҳар ёқни. Олпоқ қорнинг асли ёққани яхши, Меҳмон келса уйга сени сўроқлаб.*

Шунда дилимизга чўккан дардли қор, Қалбимиз тубидан кетар йироқлаб. Олпоқ ризк, оқ ипак ёққанда бир кун, Муқим ўроқ келди қорга айланиб. Исмоил Мўминни ва Алишерни, Олиб келган эди зарға бойланиб. Жарроҳлик қуроли – қўллари билан, Тиқиб бу дунёни минг бир чокчини. Беморнинг титраган дардини олиб, Кўтариб боради элнинг юқини. Отам меҳмон бўлиб ўтди дунёдан, Бизларга қолдириб меҳмон кутмоқни. Буралаб, чувалаб ёққанида қор, Энди мен кутаман Муқим ўроқни.


Суҳбатга адиб ва ношир Темирпўлат Тиллаев қўшилди: Муқим акани яхши танийман. Гапнинг дангалани айтсам, Қамашида иккита республикада ҳам мана-ман деган профессорлар ҳам тан олишади, танишади. Улар туманимизнинг фахри. Яна бир гап. Мен Муқим аканинг қўлида доим янги газета ёки китоб кўраман. Дўхтирлар орасида иккита зўр "китобхўр" бор. Биринчиси Абрай Бекмуродов бўлса, иккинчиси Муқим ака. Уйда каттагина кутубхонаси ҳам бор. Қолаверса, Кенжа Жўраев, Яхшибой Худоев, Баҳодир Сиддиқов, Баҳром Эшмуродов каби шоғирларини айтмайсизми?!

Бир лаҳза ташқарига чиққан Муқим ака ҳовлига қайтди: узр, оғайнилар, хизматчилик, тоғдан бир чўпонни олиб келишибди, ахволи оғир эмиш...

У шошилиб машинасини ўт олдириди. Биз ҳам ташқариладик. Тандирдан ном узаётган Икрома опа оҳиста хилмайтиди: таътил ҳам таътил бўлди. Яна кетди, энди ярим тунда қайтади. Эллик йилдан буён ахвол шу...

Ўролбой КОБИЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Реклама



МАХАМ-ЧИРЧИҚ

AMMONIY SULFAT



N azot **S** olinguguni

Махсумот сертификатланган
№ UZ.SMT.01.080.65533977
GOST 9097-82

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шахри Тошкент кўчаси 2-уй.

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

ЁШЛАРИМИЗНИ ЁТ ҒОЯЛАРДАН АСРАЙЛИК!

Ақида масаласида ўсиб келаятган ёшлар тафаккурини шакллантириш ва ёшларни ҳамда бутун жаҳиянинг маънавиятини нотўғри ақидалардан ҳимоялаш, бугунги кунда барчамизнинг долзарб вазифамиз ҳисобланади. Ота-оналар ўз фарзандларининг тарбиясида бунга катта эътибор беришлари керак. Лекин минг афсуслар бўлсин, айрим ота-оналар бола тарбиясида бепарволик қиладилар.

Улар шахсий юмушлари, кўча-қўйдаги улфатлари, моддий маблағ тўплашни биринчи ўриндаги вазифаю, оила аъзоларининг ахлоқий ва маърифий тарбиялари билан шуғулланишни иккинчи даражали иш ўрнига қўйишади. Натижада ўсиб келаятган ёшларимиз ўзлари билиб-билмай ҳар хил нотўғри оқим тарафдорларининг тўзоғига тушиб, уларнинг сохта давволарига алданиб, қанчадан-қанча ислом динига зид бўлган ва охиратда аламли азоблар билан азобланишига сабаб бўладиган ишларга қўл ураптилар. Қуръону каримада Аллоҳ таоло АФАЛА ТАЪҚИЛУН, АФАЛА ТАДАБ-БАРУН – ақл ишлатмайсизларми, фикр юртмайсизларми, деб бизларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақирмоқда. Нима демоқчимиз? Бизлар ҳам олдин ўтган, жаҳолат ботқоғига ботган, Аллоҳга осий бўлган инсонлар қаторига қўшилиб қолишдан эҳтиёт бўлайлик. Устозларимиз айтганларки, қаерда бепарволик бўлса, ўша жойда ҳар хил нохушлиқлар кўп бўлади. Ҳамма нарсага қизиқувчан ва эргашувчан ёшларимизнинг илм-маърифатига, одоб-ахлоқларига, юриш-туришларига жиддий эътибор беришимиз кун талабига айланди. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда, "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир". Расулulloҳ (с.а.в) умрларининг охирида ўзларидан кейин залолат йўлидан борадиган етмиш иккита фирқа пайдо бўлишидан, шу фирқалардан фақат биттаси саодатда, қолганлари эса разолатда эканлиги ҳақида огоҳлантир-

ганлар. Шу нажот топувчи инсонлар Аҳли сунна вал-жамоа ҳисобланади. Бу сўзлар ўтган ўн тўрт аср давомида ўз тасдиғини топди. Ана шу фирқа ва оқимларнинг айримлари Исломининг илк асрларида юзага келган бўлса, XX ва XX1 асрларда ҳизбут-таҳрир, нурчилар, салафийлар, жиҳодчилар, такфирчилар ва ҳижратчилар каби ўнлаб адашган оқимлар пайдо бўлиб, дунё мусулмонлари ўртасида бузғунчилик қилишяпти. Турли низо ва қонли тўқнашуларнинг чиқишига сабаб бўлмоқдалар. Афсуски, сўнгги вақтларда ёшларимизнинг турли ёт ғоялар билан эътиқодини бузиб, йўлдан уришга қаратилган ҳаракатларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Гўёки барча мусулмонлар ҳозир қуролли тўқнашулар кетаётган мамлакатларга "ҳижрат" қилишлари ва қўлида қурол билан "жиҳод" қилишлари фарз эмиш. Бундай сохта давволарнинг пуч эканини тасдиқлаш ва аҳолини хусусан, ёшларни улاردан асраш мақсадида ушбу тушунчаларга изох бериб ўтсак. Юртини, ота-онасини ташлаб, ўзга элларда сарсон-саргардон юриш, ўзи каби манқурт шахслар билан бирлашиб, киндик қони тўкилган юртга қарши қурол кўтариш Ислам таълимотига зид иш ҳисобланади. "Ҳижрат" сўзи луғатда бирор нарсадан ажраш, шариятда эса, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васалам)нинг Маккани тарк этиб, Мадинага боришига қиёсан қўлланилиб, диний экстремизм оқим етакчилари тинч давлатда яшаб келаятган ёшларни хориждаги жангариларнинг лагерларига жўнатиб, "ҳижрат қилмаган диндан қақди, ҳижрат учун

мусулмонга ота-онанинг рухсати шарт эмас, хижрат фарз" каби сохта иддаолар билан алдамқода. Абу Усмон Мужошъ ибн Масъуд ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васалам): "Мақка фатҳидан кейин ҳижрат йўқ...", деганлар. "Ҳижрат" ҳақида Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васалам) "Қўли ва тили билан ўзгаларга озор бермаган киши мусулмондир. Аллоҳ таоло ман этган нарсалардан қайтган киши Аллоҳ йўлида ҳижрат қилган кишидир", деганлар. Ибн Умар (разияллоҳу анҳудан) ривоят қилган ҳадисда эса Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васалам) ҳузурларига бир киши келиб: "Эй, Аллоҳнинг Расули, мен ота-онамни йиғлаган ҳолда ташлаб, ҳижрат қилиш учун сизнинг ҳузурингизга келдим", деди. У зот эса, "Ота-онанг олдиға қайтиб, уларни қандай йиғлаган бўлсанг, шундай қулдириг", деб жавоб бердилар. (Абу Довуд ривояти).

Азизлар, ёлғон ва сохта чорловларга алданиб қолмайлик! Тафаккур қилинг, нега ўзини шу йўлда ўлдирган инсон шахид бўлади, дея даъво қиладую лекин ўзлари бу ишга қўл ура олмайдилар? Шундан ҳам билиб олсангиз бўладики, буларнинг давволари қанчалик ёлғон эканлигини.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг ҳидоят йўлида бардавом айласин. Аллоҳ таолонинг тўғри йўлидаги солиҳ бандалари қаторида бўлиб, турли фирқа, адашган оқим ва залолат йўлларидан барчамизни ҳиғзу ҳимоясида сақласин. Яратганнинг Ўзи келажакимиз, оруз умидимиз бўлмиш ёшларимизни турли ёт ғоя ва фикрлардан узоқда қилиб, илму маърифат, одобу ахлоқ фазилатлари билан зийнатласин!

Муҳаммадшоқир БОБОХЎҲАЕВ,
Норин туман "Умархўжа эшон" масжиди имом хатиби.

Эълонлар

2020 йил 26 октябрда Каримова Мунира Закировна номига хонадонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Абдуллаев Баҳодир Абдурашитович номига 1993 йил 17 февралда 09-02/5515 рақами билан берилган хонадонга эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи Давлат ордери ва 10:10:01:02:01:5041:0001:020 рақамли кадастри йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

1993 йил 16 февралда Ким Пётр Антонович номига хонадонга эгаллик қилиш ҳуқуқини берувчи 03-01/3707-сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекси таркибидagi ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тажриб ҳайъати:
Шавкат ҲАМРОЕВ, Азиз ВОИТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Ақтам ҲАИТОВ, Маҳмуд ТИОИ,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимкул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Бюрогма Г-1040. 1290 нускада чоп этилди.

Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: Қабулхона – (0-371) 236-26-50, 233-09-93, 95-080-43-70, 99-050-69-45. Реклама ва эълонлар – (0-371) 236-26-50, (0-371) 233-28-04. e-mail: infoqishloqhayoti@mail.ru Баҳоסי келишилган нарҳда.

ISSN 2010-7021



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топшириш вақти: 17.00